

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 155-ҳадис

1. 155. Абу Жүхайфа Вахб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят килинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Салмон билан Абу Дардони бир-бирига биродар қилиб қўйдилар. Салмон Абу Дардонинг зиёратига келди ва Умму Дардони одми кийимда кўриб, унга: «Сенга нима бўлди?» деди. У: «Биродаринг Абу Дардонинг дунё билан иши йўқ», деди.

Абу Дардо келиб, унга таом тайёрлади. (Салмон) «Е», деди. У: «Мен рўзадорман», деди. (Салмон) «Сен емагунингча мен ҳам емайман», деди. Шунда у ҳам еди. Кечаси Абу Дардо туришга ҳаракат қилган эди, (Салмон) «Ухла», деди. У ухлади. Кейин яна туришга ҳаракат қилган эди, (Салмон) «Ухла», деди. У яна ухлади. Кеча охирлаб қолгач, Салмон: «Энди тур», деди ва икковлари намоз ўқишиди. Шунда Салмон унга: «Албатта, Роббингнинг сенда ҳаққи бор, нафсингнинг ҳам сенда ҳаққи бор, аҳлингнинг ҳам сенда ҳаққи бор. Шундай экан, ҳар бир ҳақ эгасига ҳаққини бер!» деди.

Кейин у Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, буни у зотга айтган эди, Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Салмон рост айтибди**», дедилар».

## *И мом Бухорий ривояти.*

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

